

УДК:330

**ТАЪЛИМ БИЛАН ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЎРТАСИДА ЎЗАРО  
БОҒЛИҚЛИК ХУСУСИДА**

*Тожибоев З.М.*

*Farg'ona davlat universiteti, iqtisodiyot fanlari doktori, «Moliya» kafedراسи  
dotsenti*

*Tolibov I.SH.*

*Farg'ona davlat universiteti, "Iqtisodiyot" fakultetining 2-kurs*

*Annotatsiya: Maqolada taъlim билан ижтимоий-иқтисодий ривожланишни чамбарчас боғлиқлиги ва ўзаро тақазо қилинганлиги. Таълим даражаси ўсиб борган сари ривожланиш суръати ҳам жадаллашиб боришлиги ривожланган мамлакатлар мисолида кўрсатиб берилиб, мамлакатимизда таълим тизимининг ислох қилишни стратегик аҳамиятга эга эканлиги ва бу омил тараққиёт учун тағ-замин ролини ўйнаши кўрсатиб берилган.*

*Калим сўзлар: таълим, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ишсизлик, бандлик, даромад, ўсиш суръати, технология.*

**ON MUTUAL RELATIONS BETWEEN THE GOVERNMENT AND  
ECONOMIC DEVELOPMENT**

*Tokiboev Z. M.*

*Ferghana State University, Doctor of Economics, Associate Professor of  
Finance*

*I.Sh. Talibov*

*Ferghana State University, Master of 2 years "Economics"*

*Abstract: V status of talking about close communication and education and socio-economic development. According to him, the reform system is currently functioning in Russia.*

*Key words: image, socio-economic development, unemployment, employment, income, pace, technology.*

Мамлакатда таълим даражаси қанча юқори бўлса, уни иқтисодиёти шунча яхши ривожланади, ишсизлик паст ва хаёт давомлилиги шунча узок деб таъкидлаш хозирда аксиома бўлиб қолган. Бундан ташқари, аҳолини яхши таълим олиши ва ўқимишлилиги жамият хаётининг бошқа соҳаларига, масалан, давлат бошқаруви сифати ва ижтимоий соҳа ривожига, ижобий таъсир қилади.

Йилдан – йилга дунёнинг ўқимишлилик даражаси кўтарилиб бормоқда. БМТнинг хулосасига кўра, ўтган ўн йилликларда саводсизлик билан курашда дунё каттагина муваффақиятларга эришди. Агар 1960 йили дунё аҳолисининг 36%и хаттоки базавий таълимга эга бўлмаган бўлса, 2000 йилга келиб, бу даврда дунё аҳолиси икки баробарга ортганига қарамасдан, уларни сони 25% гача қисқарди. Индустириал ривожланган мамлакатларда саводсизлар 1-2%дан ошмайди [7]. Иқтисодий хамкорлик ва ривожланиш ташкилоти дунёнинг индустриал ривожланган мамлакатларида таълим соҳасидаги тенденциялар тўғрисида тадқиқот олиб бориб, мунтазам равишда маърузалар эълон қилиб боради. Ушбу тадқиқотларга мувофиқ, тобора кўпроқ одамлар олий маълумотга эга бўлиб бормоқда. [5]

Айтиш жоизки, иқтисодий жихатдан ривожланган мамлакатларда таълим тизими муассасаларини молиялаштириш давлат хисобидан амалга оширилади. Иқтисодий хамкорлик ва ривожланиш ташкилоти мутахассислари таъкидлашича, мамлакатда таълим даражаси қанча юқори бўлса ЯИМ ва иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари шунча юқори, хаёт давомлилиги узок ва аҳоли саломатлиги шунча яхши. Уларнинг маълумотларига қараганда, таълим давомлилигини бир йилга узайтириш ЯИМни 3-6%га ошириш имкониятини беради. [10]

Айтиш керакки, таълим даражасини юқорилиги ходимларнинг бандлигини юқори даражасига хам олиб келиши тўғрисида ривожланган мамлакатлар амалиёти гувоҳлик беради.

Таълимни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда беқиёс ролини конкрет мамлакатлар мисолида яққолроқ кўриш мумкин.

Кореянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муваффақиятлари кўп жихатдан таълим билан боғлиқдир. Чунки у кичкина мамлакат бўлиб, тўрт улкан мамлакат, яъни АҚШ, Хитой, Япония, Россия билан ўраб олинган. У ўз вақтида технологияларни четдан олиб кириб улардан амалиётда кенг фойдаланиб катта ютуқларга эришди, лекин тез орада шуни тушиниб етилдики технологияларни ўзи яратмаса мамлакатни келажаги бўлмайди. Технологияни яратиш учун эса таълимга катта эътибор бериш керак. Демак, таълим устуворлиги бош масаладир.[9]

Таълимга ўз келажаги, қолаверса бутун мамлакат келажаги боғлиқлигини Кореяда хар бир фуқаро яхши тушунади. Ушбу мамлакат таълимга ЯИМни 10%ни сарфлайди. Бу кўрсаткич дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бири. Шунга қарамай Корея Республикаси фуқароларининг ўзлари ҳам таълимга пулни аямайди.[6]

Айтиш керакки, таълим иқтисодий тараққиётга нафақат хозирда, балки азалдан таъсир кўрсатиб келади. Бунга иқтисодиёт тарихи тўғрисида изланиш олиб борган кўпчилик иқтисодчилар, масалан, Ричард Истерлин ишлари мисол бўлиши мумкин, тадқиқотчининг фикрига кўра, XIX асрда бошланган саноат инқилоби дунё мамлакатлари таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар туфайли лозим даражадаги ўсиш суръатларини таъминлади [8].

Кўпчилик европа мамлакатлари ва Шимолий Америкада бепул бошланғич таълим бундан 200 йиллар муқаддам келиб чиқди ва фақатгина XIX асрнинг охирида оммавийлашди. XX аср бошларида кам таъминланганларда бепул олий маълумот олиш имконияти пайдо бўлди. Бунда Европа ва Шимолий Америка доирасидан ташқарида расман ( яъни европа нуқтаи назаридан) саводли одамлар сони жуда оз эди. Америкалик таълим тадқиқотчи Ульрих Бозер дунёнинг турли мамлакатларида таълимни тарқалиши билан иқтисодий ўсиш бошланиши ўртасида алоқани кузатишга муваффақ бўлди. Уни кузатишлари кўрсатишича, таълим тизимида

ислохотларни амалга оширгандан кейин у ёки бу мамлакатда иқтисодий сизиларли ўсиши учун 25-30 йил талаб қилинган.[3]


«Капиталистик Ривожланишнинг Динамик Кучлари» (Dynamic Forces of Capitalist Development), номли тадқиқот муаллифи Артур Медиссон (Arthur Maddison), аниқладики, мамлакат аҳолиси таркибида билимли одамлар хиссаси қанча қанча юқори бўлса, иқтисодий ўсиш суръати шунча юқори бўлади. У шундай боғлиқликни ҳам очикладики, унга мувофиқ таълимнинг молиялаштириши 1% га ошириш мамлакат ЯИМни 0,35 %га кўпайтиради.[2]

«Ақлли Пуллар» (Smart Money), номли рисола муаллифи Уильям Шведе (William Schweke) уқтирадики, дунё мамлакатлари сармояларини энг аввало “инсон капиталига” инвестициялаш керак. Унинг фикрича, соғлиқни сақлаш, таълим ва касбга ўқитишга инвестициялар нафақат меҳнат унумдорлигига илҳомбахш таъсир қилади, балки миллий иқтисодийга анчагина “юк” бўладиган ижтимоий муаммолар кескинлигини ( алкоголизм, наркомания, жиноятчилик, камбағаллик ва ш.ў.лар) ҳам жиддий камайтиради.

Айтиш жоизки, таълим олиш ва уни юқори даражаси моддий жихатдан, биринчи навбатда таълим олувчиларни ўзи учун нафли. Чунки шахснинг саводхонлигини юқорилиги, унга даромаднинг юқори даражасини кафолатлайди. Масалан АҚШда фастфудда ишловчи ишчилар бир йилда 25,0 минг долларга ишлайдилар. Шу вақтнинг ўзида бакалавр малакасига эга бўлган ёш мутахассислар бир йилда 50,0 минг долларгача иш ҳаққи оладилар (5). Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, таълим даражаси тўғридан – тўғри бандликда ўз аксини топади. Буни юқори даражада ривожланган мамлакатлар мисолида кузатишимиз мумкин. Маълумки, пандемия барча ривожланган мамлакатларда, шу жумладан АҚШда ишсизликни ортишига олиб келди. АҚШ меҳнат вазирлиги маълумотларига қараганда бу даврда (пандемия даврида) ишсизлик ходимларни барча тоифалари орасида ўсган.

АҚШда иш жойлари секин тикланмоқда, лекин фақат барқарор тренд олий маълумотли америкаликлар учун кузатилмоқда холос [4].

Ходимларни таълим даражасига боғлиқ холда 2020 йили АҚШ аҳолисининг бандлик даражасини 2019 йилга қараганда фоиз ҳисобида ўзгариши.



Бакалавр ва ундан юқори даражага эга
Коллеж битирувчилари
Ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумотли шахслар

Бакалавр ва ундан юқори даражага эга бўлганлар

Коллеж битирувчилари

Ўрта ёки тўлиқсиз ўрта маълумотли шахслар Бизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда ҳар бир соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, мазкур ислоҳотларнинг салмоқли қисмини таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ташкил этмоқда. Сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда. Таълим соҳасининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниши бунга мисол бўла олади:

Хусусан, таълим тизимида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлардан бири бу – “**Таълим тўғрисида**”ги Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши

бўлди. Мазкур Қонунга асосан таълим соҳасидаги асосий принциплар, таълим тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб қўйилди.[1]

Шунга кўра, мазкур Қонуннинг қабул қилиниши ҳамда амалиётга жорий этилиши таълим соҳасида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлардан бири бўлди дейишимиз мумкин.

**Президентимиз Ш.М. Мирзиёев** таъкидлаганларидек, *“фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони тузилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди”*.

Дарҳақиқат инсонни шахс сифатида шакилланиши ва уни интеллектуал потенциали асосларини барпо қилишда мактабнинг роли беқиёс. Шунга кўра биз мамлакатимиз президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган таълимни ислох қлиш сиёсатини мактаб даражасида самарасини ошириш бўйича баъзи бир мулохозаларимиз билан ўртоқлашмоқчимиз. Шу ўринда давлатимиз раҳбарини ушбу масалага алоқадор бўлган фикрларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Билдрилган фикрни мазмун-моҳияти шундан иборатки, қандай қийин бўлмасин реал бозор иқтисодиётига ўтишимиз зарур.[2]

Бу фикрни бевосита таълим тизимига нисбатан қўллаш фойдадан ҳоли эмас. Чунки реал бозор мунособатлари йўқлиги шароитида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мураккаб кечади ва бу ҳолат жамият ҳаётининг барча соҳаларига шу жумладан таълимга ҳам салбий таъсир қилади. Шунга кўра, мактаб таълим тизимини ҳам реал мунособатлар домига тортишимиз даркор. Чунки ушбу тизимда реалликни мавжуд эмаслиги таълимда хатога йўл қўйишга олиб келади. Ўз навбатида бу нарса келажакда жудда катта йўқотишларга олиб келади ва биз ҳозирда буни гувоҳи бўлиб турибмиз. Шу мунособат билан мактабда таълимнинг амалга оширишни барча бўғинларида

яъни таълим бериш ва уни ташкиллаш, натижаларни баҳолаш ва хисоботларни реал асосга кўчириш жуда мухим.

Таълим тизимининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган яна бир ҳолат бу ўқитувчиларни моддий манфаатдорлигини иш натижалари билан узвий боғлашдир.

Тўғри ҳозирда бу нарсани амалга ошириш жараёни бошланган, лекин уни таъсирчанлиги талаб даражасида эмас. Шу маънода моддий манфаатдорликнинг табақалаштиришни кучайтириш мақсадга мувофиқ деб хисоблаймиз. Бу шунга олиб келадик, педагог ходимларда фаолиятга нисбатан кўшимча қизиқиш уйғонади ва улар фаолиятни яхшилашга бутун борлиғи билан киришади.

Шунинг билан бирга талабга жавоб бермайдиган педагог ходимлар меҳнати тақдирлашда моддий жихатдан жазони кучайтириш ҳам таълим тизимида педагог кадрлар тизими таркибини яхшилашга олиб келади.

#### **Фойдаланмалган адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда) <https://uzdjtsunf.uz/3949/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (№ПҚ-4312-сон 08.05.2019)
3. С.ЭРГАШЕВ. РЕСПУБЛИКАНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛНИНГ РОЛИ. [HTTP://E-JOURNAL.UZ/2022/04/](http://E-JOURNAL.UZ/2022/04/)
4. Холматов, Б. А. (2021). ПОДХОДЫ К ЭКОНОМИИ И БЕРЕЖЛИВОСТИ. THEORIA: педагогика, экономика, право, (4 (5)), 114-123.
5. Хазраткулов, С. С., & Ўғли, Қ. М. И. (2022). МИНТАҚАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚОБАТ САЛОҲИЯТИНИ ОБЪЕКТИВ БАҲОЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ. *MUNDARIJA/TABLE OF CONTENTS/СОДЕРЖАНИЕ*, 249.

6. Urinov, D. A. (2022). EFFECTIVE ORGANIZATION OF TRANSFER OF INNOVATIONS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 144-148.
7. Nishonov, F. M., & Ehsonova, N. T., & Tolibov, I. Sh. (2019). PROFESSIONAL GROWTH OF THE TEACHER OF MATHEMATICS OF THE ACADEMIC LYCEUM IN THE CONDITIONS OF TECHNOLOGIES OF THE DIGITAL EDUCATIONAL SPACE. *Theoretical & Applied Science*, (3), 534-537.
8. <https://gtmarket.ru/library/articles/475>
9. Курпаяниди, К. И., Акромов, З. Х., & Толибов, И. Ш. У. (2019). Некоторые особенности нормативно-правового регулирования предпринимательской деятельности в Узбекистане. *Economics*, (2 (40)), 5-
10. Kholmatov, B. A. (2023). MODERN TRENDS IN EDUCATIONAL SERVICES OF UNIVERSITIES. *Publishing House "Baltija Publishing"*.